

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2012 йил 13 сентябрь, № 180 (5600) Пайшанба

# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12 сентябрь куни Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазирининг ўринбосари Хуэй Ляньюйни қабул қилди.**





Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, ХХРдан бундай нуфузли делегациянинг келиши томонларнинг ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга қизиқиши ортиб бораётганидан яна бир далолат эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил июнь ойида Хитойга ташрифи чоғида имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги декларация икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш йўлидаги навбатдаги муҳим қадам бўлди. Олий даражадаги музокаралар доирасида ўттиздан зиёд сармоявий лойиҳани амалга оширишни кўзда тутувчи умумий қиймати 5,3 миллиард АҚШ долларига тенг ҳужжатлар имзолангани бунинг ёрқин тасдиғидир.

Айни пайтда ўзаро ҳамкорликда Ўзбекистоннинг нефть-газ соҳасида қатор истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи ҳамда Қўнғирот сода заводининг қувватларини ошириш бўйича иш олиб борилмоқда.

2012 йил август ойидан ХХРга Ўзбекистон табиий газини мунтазам етказиб бериш бошланди. "Ўзбекистон — Хитой" газ қувурининг учинчи тармоғини қуриш ва фойдаланишга топшириш Ўрта Осиёдан Хитойга табиий газ экспорти ва транзитини сезиларли даражада кенгайтириш имконини беради.

Муқобил энергия манбаларини ривожлантириш соҳасидаги ҳамкорлик билан бирга, Ўзбекистонда Хитой компаниялари иштирокида Юқори технологиялар саноат парки барпо этилиши ўзаро самарали ҳамкорликнинг яна бир муҳим таркибий қисми бўлади.

Молиявий-техникавий ҳамкорлик кўлами жадал кенгайиб бормоқда. Унинг доирасида Хитой Давлат тараққиёт банки ва ХХР Экспорт-импорт банки ажратган кредитларнинг умумий миқдори 4,5 миллиард АҚШ долларига етди.

Транспорт коммуникацияларини оптималлаштириш — икки томонлама иқтисодий муносабатлардаги алоҳида устувор соҳа. Олий даражадаги келишувга биноан, шу кунларда Навоий — Тяньцзин йўналиши бўйича юклар авиаташуви йўлга қўйилди, истиқболда эса ҳаво кемаларининг Шанхай ва Гуанчжоу шаҳарларига парвозлари режалаштирилмоқда. Жорий йилнинг июль ойидан Тошкент билан Урумчи ўртасида йўловчи ташиш бўйича мунтазам рейслар амалга оширилмоқда.

2012 йилнинг биринчи ярми якунларига кўра, Ўзбекистон Республикаси билан ХХР ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 44,5 фоиз ўсиб, 1,5 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди.

Хуэй Ляньюй самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига чуқур миннатдорлик билдириб, ХХР ҳукумати Ўзбекистон билан кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор эканини қайд этди. Ушбу ташриф асосида қабул қилинган жами қиймати 535 миллион АҚШ долларига тенг ҳужжатлар иқтисодий ҳамкорлик кўламини янада кенгайтиришини алоҳида таъкидлади.

Оқсаройдаги суҳбат чоғида томонларни қизиқтирган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

**(ЎзА).**

Сарвар ЎРМОНОВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг узоқ муддатли аҳил қўшничилиги, дўстлиги ва ҳамкорлиги тўғрисидаги Шартномани (Бишкек, 2007 йил 16 август) ратификация қилиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2012 йил 8 августда қабул қилинган
Сенат томонидан 2012 йил 30 августда маъқулланган

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг узоқ муддатли аҳил қўшничилиги, дўстлиги ва ҳамкорлиги тўғрисидаги Шартнома (Бишкек, 2007 йил 16 август) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2012 йил 12 сентябрь
№ ЎРҚ—334

# Саноатимиз ютуқлари намойиши

*Кеча пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуасида "Тўқимачилик ускуналари ва технологиялари — CAITME — 2012" еттинчи ҳамда "Тўқимачилик саноати — Textile Expo Uzbekistan — 2012" тўққизинчи Марказий Осиё халқаро кўргазмалари ўз ишини бошлади.*

Халқаро кўргазма

Улар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, "Ўзбекенгилсаноат" давлат акциядорлик компанияси, "Осиё рамзи" Ўзбекистон модельерлари ва дизайнерлари уюшмаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда "ITE Uzbekistan" халқаро кўргазмалар компанияси томонидан ташкил этилди.

Тадбирнинг очилиш маросимида таъкидланганидек, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида иқтисодиётимизнинг барча тармоқлари қаторида енгил саноатда ҳам улкан муваффақиятларга эришилмоқда. Айниқса, ушбу тизимда кўплаб янги корхоналар фойдаланишга топширилиб, мавжудлари техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланаётгани рақобатбардош, сифатли тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш имконини бераётир. Қолаверса, кейинги йигирма йил мобайнида мазкур тармоққа жалб этилган хорижий инвестициялар ҳажми эса 1,3 миллиард АҚШ долларини ташкил этгани ҳам бежиз эмас.

(Давоми 2-бетда).

Тадбиркор — қонун ҳимоясида

*Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва либераллаштириш, мулкдорлар ва тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кўрилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес соҳаси жадал ривожланиб, ялпи ички маҳсулотдаги улуши ортиб бормоқда.*

# Мустаҳкам ҳуқуқий асос

## кичик бизнес ривожида муҳим аҳамият касб этмоқда

Бу борада, ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва шу асосда яратилган қонунчилигимизда ўз ифодасини топган хусусий мулк кафолатларининг тўла таъминланаётгани муҳим омил бўлаётир.

Юртбошимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясидан келиб чиқиб, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга қаратилган ҳуқуқий асос изчил такомиллаштирилмоқда. Чунончи, Президентимизнинг жорий йилнинг июль ойида қабул қилинган "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари бу борада муҳим қадам бўлди. Ушбу ҳужжатларда мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, бизнес юритиш шароитини баҳолашнинг жаҳон амалиётида қабул қилинган тизимини жорий этиш бўйича кенг кўламли вазифалар белгилаб берилганлиги билан янада аҳамиятлидир.

Хусусан, "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонда бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни либераллаштириш билан боғлиқ масалалар қамраб олинган. Жумладан, унда 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб тадбиркорлик субъектлари тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органларида банк ҳисобварақларига масофадан туриб хизмат кўрсатиш тизими, шу жумладан, "Интернет-банкинг" хизмати орқали солиқ ва бошқа тўловларни тўлаш, юкни божхонада расмийлаштиришда тадбиркорлар томонидан товарларни декларация қилиш,

(Давоми 2-бетда).

# «Ўзбекистоннинг иқтисодиётни ривожлантириш борасидаги миллий модели ўзига хослиги билан ажралиб туради»



*Аввал хабар қилинганидек, шу кунларда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Тошкентда "Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти" мавзуида халқаро конференция ўтказилмоқда. Унинг иштирокчилари — нуфузли халқаро ташкилотлар ва молия муассасалари раҳбарлари, ўнлаб мамлакатларнинг давлат ва жамоат арбоблари, ишбилармонлар, олимлар ҳамда экспертлар кеча Самарқанд шаҳрига ташриф буюриб, бу ерда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилган кенг кўламли ишлар билан танишдилар.*

Эътироф

Дастлаб кўҳна ва навқирон шаҳарнинг жаҳонга машҳур тарихий-меъморий обидаларини зиёрат қилдилар. Истиқлол йилларида бунёд этилган замонавий бино ва иншоотлар, сўлим хиёбонлар ҳамда дам олиш масканларини кўздан кечирдилар.

**Маълумотнома.** Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот 8,1 фоизга ошган бўлса, Самарқанд вилоятида ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш 10,6 фоизга ўсди. Шу йилнинг ўтган даврида ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳиссаси 70,6 фоизни ташкил этди. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, хусусан, қишлоқларда унинг замонавий инфратузилмасини яратишда ҳам ушбу тизимнинг алоҳида ўрни бор. Бундан ташқари, айни пайтда вилоятда жами 13 минг 155 та, шу жумладан, саноатда — 2373, транспорт ва алоқада — 319, қишлоқ ва ўрмон хўжалигида — 1958, қурилишда 1342 кичик бизнес субъекти фаолият юритаётгани ҳисобга олинса, республикамизнинг барча ҳудудларида бўлганидек, Самарқанд вилоятида ҳам бу соҳа жадал ривожланаётгани аён бўлади.

**Кис ЛАДАЖ, «Fontis» университети профессори (Нидерландия):**

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик аҳоли бандлигини таъминловчи ва даромадини оширувчи энг муҳим соҳадир. Буни Ўзбекистон мисолида яққол кўриш мумкин. Мамлакатингизда тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилаётган юксак эътибор туфайли хусусий сектор вакиллари барқарор фаолият кўрсатиб, иш ўринларини кўпайтириш ва ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда фаол иштирок этмоқдалар.

(Давоми 2-бетда).

# «Ягона ойна» тизими

## тадбиркорга кенг имконият ва қулайликлар яратади

Анжуман

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида тажриба тариқасида йўлга қўйилган "Ягона ойна" тизимининг тақдимот маросими ўтказилди. "Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни ва аҳамияти" мавзуидаги халқаро анжуман доирасида ташкил этилган мазкур тадбирда тадбиркорлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, юртимизда бозор муносабатлари тобора чуқурлаштирилиши, иқтисодиёт, хусусан, ташқи иқтисодий фаолият янада либераллаштирилиши натижасида тадбиркорлар учун қулай ишбилармонлик муҳити яратилди. Шу боис соҳанинг ишлаб чиқаришдаги улуши йилдан-йилга ошмоқда.

(Давоми 2-бетда).

# Паралимпиячиларимиз муносиб кутиб олинди

*Хабарингиз бор, жорий йилнинг 29 август — 9 сентябрь кунлари Буюк Британия пойтахти Лондон шаҳрида XIV Паралимпия ўйинлари бўлиб ўтди.*

*Унда иштирок этган Ўзбекистон вакиллари битта кумуш медални қўлга киритиб, спортимиз тарихидаги яна бир муваффақиятни таъминладилар. Гап шундаки, бу ҳамюртларимиз томонидан Паралимпия ўйинларида қўлга киритилган биринчи соврин ҳисобланади.*

Фахр

Кеча "Тошкент" халқаро аэропортида XIV Паралимпия ўйинларида юртимиз шарафини ҳимоя қилган спортчиларимиз тантанали равишда кутиб олинди. Тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари, спортчиларнинг ота-оналари, мухлислар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Таъкидландики, истиқлол йилларида мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар, аввало, инсон ва унинг манфаатига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Президентимиз томонидан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, ногирон ва жисмоний имконияти чекланган ёшларнинг спорт билан шуғулланиб, саломатлигини мустаҳкамлаши учун барча зарур шарт-шароит яратиб берилиб, уларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Бундай улкан эътибор туфайли улар ҳам спортга меҳр қўйиб, турли мусобақаларда ўз маҳоратларини намойиш этишаётир. Лондонда қўлга киритилган муваффақият ҳам ана шу саъй-ҳаракатларнинг амалдаги ифодасидир.

Таъкидлаш жоизки, бундай нуфузли мусобақаларда натижа ўз-ўзидан қўлга киритилгани йўқ. Спортчиларимизнинг ҳар тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақасига пухта ҳозирлик кўриши учун давлатимиз томонидан барча шарт-шароит яратиб берилгани бунда муҳим аҳамият касб этди. Жумладан, Президентимизнинг 2009 йил 5 январдаги "Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2012 йил Лондон шаҳри(Буюк Британия)да бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ва XIV Паралимпиада ўйинларида иштирок этишга тайёргарлиги тўғрисида"ги қарори асосида паралимпиячиларимиз учун махсус тайёргарлик дастури ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди.

(Давоми 2-бетда).

## Бир рақам шарҳи

**Транспорт ва коммуникация қурилиши ривожланмоқда**

Жорий йилнинг олти ойида мамлакатимиз бўйича

**115** километрлик темир йўл қайта қурилди.

**2011 — 2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш дастури доирасида амалга оширилган бу ишлар, ўз навбатида, тизимда юк ва йўловчи ташиш айланмасини сезиларли даражада ошириш имконини берди.**

# «Ўзбекистоннинг иқтисодиётни ривожлантириш борасидаги миллий модели ўзига хослиги билан ажралиб туради»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бугун Ўзбекистонда меҳнат билан банд бўлганларнинг асосий қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳиссасига тўғри келаётгани, айниқса, ишчи-ходимлар таркибида ёш мутахассисларнинг кўплиги диққатга сазовор.

Ишончим комилки, нуфузли халқаро анжуман мамлакатингизнинг бу борадаги салоҳияти, тажрибасини нафақат намоён этиш, балки яна янгидан-янги марралар сари олиб чиқишга ҳам хизмат қилади.

**Майкл ШЕННА, АҚШ Давлат департаменти тижорат ва бизнес ишлари бўйича идорасининг глобал тадбиркорлик дастури масъул ходими:**

— Юртингиз нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлгани ҳақида кўплаб манбалар гувоҳлик беради. Ҳудудингиздаги мавжуд тўрт мингдан зиёд моддий-маънавий обида умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилгани ҳам бунинг ёрқин тасдиғидир. Бундай буюк мерос билан ҳар қанча фахрланса арзийди.

Менда Регистон мажмуаси катта таассурот уйғотди. Мажмуанинг ҳовли саҳнидан ўрин олган кўргазмадаги ҳунарманд усталар томонидан яратилган бетакрор миллий ҳунармандчилик намуналарини кўздан кечирар эканман, халқ амалий санъатининг авлоддан-авлодга ўтиб келаётгани ва уни ривожлантириш йўлидаги эзгу саъй-ҳаракатларга чин дилдан ҳавас қилдим.

**Маълумотнома.** Дарҳақиқат, Самарқандда миллий ҳунармандчилигимизнинг қадимий тури гиламдўзлик изчил ривожланмоқда. Ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган 34 корхона томонидан 2011 йилда 15,5 миллион квадрат метр гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Бу — 2006 йилдагига нисбатан икки баробар кўпдир. Жумладан, Самарқанд шаҳридаги “Сам Антеп гилам” қўшма корхонасида энг замонавий технологиялар асосида экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ва модернизация ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2011 йилда 4 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилиши натижасида корхонанинг йиллик қуввати ошиб, қўшимча 45 та иш ўрни яратилди. 2011 йилда вилоятдаги жами кичик корхоналар ва микрофирмалар томонидан эса 87,4 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулотлар экспорт қилинди.

**Марко РОМАНЬЁЛИ, «LOGINET S.r.l.» компанияси президенти (Италия):**

— Самарқандга “Мўъжизалар шаҳри” дея таъриф берилгани бежиз эмас экан. Бу ердаги ҳар бир манзара мени ҳайратлантирди. Масалан, Улуғбек расадхонасини катта қизиқиш билан томоша қилдим. Аждодларингизнинг ақлзаковатига қойил қолдим, дунё илмфани ривожига мислсиз ҳисса қўшганига яна бир карра амин бўлдим. Бундай тарихий қимматга эга ёдгорликларни асраб-авайлаш, обод этиш, келажак авлодга етказиш давлат сиёсати даражасида эканлиги эътиборга лойиқ.

Шаҳардаги замонавий бино ва иншоотлар, сўлим хиёбонлар, дам олиш масканлари ҳам ҳавас қилгудек. Айниқса, бири-биридан кўркам таълим муассасаларидаги шарт-шароитлар таҳсинга сазовор. Самарқанд автомобилсозлик, шунингдек, енгил саноат ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежларида бўлганимизда, шундай хулосага келдик. Бу ерда ёшлар энг илғор, замонавий технологиялар асосида билимларини бойитмоқдалар. Уларнинг кўплаб хорижий тилларда эмин-эркин сўзлаша олиши эса ҳайратимизни оширди. Демак, юртингизда малакали кадрлар тайёрлаш тизими барча ҳудудларда изчил йўлга қўйилган, деб айтишга асослар етарли.

**Муҳаммад Рашид АССАД, «Nismat Al Hejaz Group» компанияси раҳбари (Саудия Арабистони):**

— Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган миллий тараққиётнинг “ўзбек модели” ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бунга биз бугун яна бир бора амин бўлдик.

**Маълумотнома.** Самарқанд вилоятида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари улуши тобора ортиб бормоқда. Хусусан, Самарқанд шаҳридаги “Дака Текс” хорижий корхонасида Швейцариянинг замонавий технологиялари ўрнатилгач, ишлаб чиқариш кескин ошиб, ўтган йили 3,9 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

Эътиборлиси, кичик корхоналар томонидан кўплаб янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда. Чунончи, Ургут туманидаги “Сам Нур Тавфиз” қўшма корхонасида электр духовка ишлаб чиқариш, “Арфа экспрод” қўшма корхонасида резина оёқ кийимлар тайёрлашда ишлатиладиган гранулалар, Булунғур туманидаги “Ҳамидобод имкон” масъулияти чекланган жамиятида тиббиёт препаратлари учун резинали пробкалар ва алюминий қоплагичлар, Самарқанд туманида жойлашган “Сам Рос Холод” қўшма корхонасида цементли ва металли сендвич панеллар, Жомбой туманидаги “Жомбой жавоҳири” қўшма корхонасида бир неча турдаги микрокальцит ишлаб чиқариш ва Самарқанд шаҳридаги “Net product” масъулияти чекланган жамиятида атир совун ишлаб чиқариш, “Самарқанд Ламит” корхонасида ламинант тайёрланмоқда.

**Ольга ПАВУК, Болтиқ халқаро академияси профессори, иқтисод фанлари доктори, «The Baltic-course.com» журнали ва нашриёт уйи муҳаррири (Латвия):**

— Жаҳон иқтисодиётидаги ҳар бир ўзгаришни доимо диққат билан кузатиб бораман. Маълумки, ҳозирги кунда дунё мамлакатлари жорий йилнинг ўтган чоракларини сарҳисоб қилаяпти. Эътибор берган бўлсангиз, яна фойда кўришни бошлаган компания ва корпорациялар, молия муассасалари ҳам бор. Аммо уларнинг сони унчалик кўп эмас. Аксариятида ҳали-ҳануз иш ўринлари қисқартирилаяпти, харажатлар камайтирилиб, шу йўл орқали вазиятдан чиқиш чоралари кўрилаяпти. Ўзбекистонда-чи?

Сўнгги йилларда Самарқанд шаҳрида рўёбга чиқарилган бунёдкорлик ишлари ҳақида бизга гапириб беришди. Айтишларича, 7,2 километр узунликдаги йўл таъмирланиб, 453 объектда қурилиш ва реконструкция ишлари бажарилибди. 42 та кўп қаватли уй-жой, 163 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш, 61 ижтимоий соҳа объекти, 26 та маъмурий бино, 162 та хусусий уй-жой барпо қилинибди.

Юқори тезликда ҳаракатланувчи “Afrosiyob” электропоездида Самарқандга саёҳат қилган конференция иштирокчилари мамлакатимизда темир йўл соҳасини ривожлантириш борасидаги ислоҳотлар натижаларига юксак баҳо бердилар. Замонавий, барча қулайликларга ва юксак даражадаги сервис хизматига эга “Afrosiyob” поезди меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Улар бундай тезюрар замонавий поездлар дунёнинг саноқли мамлакатларидагина борлигини алоҳида таъкидладилар.

— Самарқандга “Afrosiyob” электропоездида келдик, — деди Ольга Павук пировардида. — Юқори тезликда ҳаракатланадиган ушбу транспорт воситасида йўловчилар учун барча қулайлик яратилган. Бу Ўзбекистонда бошқа соҳалар қаторида темир йўл тармоғини ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилаётганининг самарасидир, албатта.

**Икром ЎТБОСАРОВ,**
**Шавкат ОРТИҚОВ,**
**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

# Мустаҳкам ҳуқуқий асос

## кичик бизнес ривожида муҳим аҳамият касб этмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

“ягона ойна” тамойили бўйича юридик шахсларнинг кўчмас мулкка бўлган эгалик ҳуқуқларини рўйхатга олиш, тадбиркорлик субъектларининг даъво аризалари ва илтимосномаларини хўжалик судларига бериш тартиб-таомилларини ўз хоҳишларига кўра электрон шаклда амалга ошириш сингари тартибларни ўрнатиш назарда тутилган. Бу, ўз навбатида, тадбиркорларга банк, солиқ, божхона идоралари ва хўжалик судлари билан муносабатларда интерактив хизматлардан фойдаланиши учун кенг йўл очади. Бошқача айтганда, “Интернет-банкинг” тизими тўла йўлга қўйилгач, ишбилармонлар ўз ҳисоб рақамларини масофадан туриб бошқариш, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни электрон шаклда тўлаш имкониятига эга бўладилар.

Шунингдек, 2013 йилнинг 1 июнидан бошлаб хўжалик судига даъво аризаси, илтимоснома ва уларга илова қилинадиган ҳужжатлар билан маълумотлар алмашинуви чоғида электрон воситалар орқали мурожаат қилиш, суд муҳокамаси иштирокчиларини хабардор қилиш, уларга суд ҳужжати ва бошқа хат-хабарларни электрон воситалар орқали юборишнинг жорий этилиши ҳам тадбиркорларга катта қулайлик яратади, албатта.

Фармонда келгуси йилнинг 1 июнидан хўжалик судларининг ҳал қилув қарорини уларнинг веб-сайтларида чоп этиш кўзда тутилганлиги эса одил судловнинг ошкоралигини таъминлаб, тадбиркорларнинг суд ҳужжатлари билан тўлиқ танишишига имкон беради. Бу хўжалик судлари зиммасига суд қарорлари сифатини ошириш ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш борасида катта масъулият юклайди. Айни чоғда хўжалик судларига банкротлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги ариза берганлик учун давлат божи ставкаси энг кам иш ҳақининг 20 бараваридан 3 бараваригача қисқартирилиши судга мурожаат қилишда харажатларни камайтириш ҳамда хўжалик судларида одил судловнинг янада очиқлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда айтиш жоизки, ушбу ҳужжат асосида 2013 йилнинг 1 апрелидан бошлаб меҳнатга оид низолардан ташқари, акциядорлар ва акциядорлик жамиятлари ҳамда бошқа хўжалик ширкатлари иштирокчилари ўртасидаги низоларни кўриш ҳуқуқининг хўжалик судларига берилиши ҳам улар ҳуқуқлари ҳимоясининг мустаҳкамланишидан далолатдир.

Умуман олганда, давлатимиз раҳбарининг мазкур фармонлари мамлакатимизда эркин иқтисодиёт ва соғлом рақобат муҳитини қарор топтириш, фуқароларда тадбиркорликка иштиёқ уйғотиш, уларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаати устуворлигини таъминлаш, ишбилармонларнинг судларга бўлган ишончини янада оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

Таҳлилларга кўра, бугунги кунда хўжалик судларида кўрилаётган ишлар кўпайиб бормоқда. Бу ҳам тадбиркорларнинг ҳуқуқий билими ошиб бораётгани ҳамда судларга бўлган ишончи тобора ортаётганига яққол мисол бўла олади. Хусусан, 2011 йилнинг биринчи ярмида хўжалик судларида 128 мингдан ортиқ иш кўрилган бўлса, жорий йилнинг биринчи ярмида мазкур кўрсаткич 168 мингдан ошган. Ёки 2011 йилнинг биринчи ярмида хўжалик судлари томонидан даъвогарлар фойдасига ундирилган маблағ 3,2 триллион сўмни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг олти ойида жавобгарлардан 4,59 триллион сўм дебиторлик қарзлари ундирилди.

Шу ўринда Президентимизнинг жорий йил 2 августда имзоланган “Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қонун устуворлигини таъминлаш йўлида хизмат қилаётган суд органлари ходимларининг ижтимоий мақомини муҳофаза қилиш учун зарур ижтимоий кафолатларни кучайтиришда улкан аҳамиятга эга эканлигини ҳам айтиб ўтиш зарур. Негаки, унда судьялар масъулиятини, уларнинг назарий ва амалий билимларини, малака ҳамда касб маҳоратини ошириш сингари кўплаб эзгу мақсадлар қамраб олинган. Ушбу Фармон суд тизими ходимларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш билан бирга, улар зиммасига улкан масъулият ҳам юклайди.

Зеро, бу масъулият судьяларни фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини тўла таъминлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ишларни кўришда одил ва ҳалол бўлишга ундайди. Судларнинг ҳаётимизда тутган ўрни ва нуфузини янада оширади, одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшаши, тадбиркорликнинг янада равнақ топишига хизмат қилади.

**Дилмурод МИРЗАКАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси.**

Парламент назорати

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.*

## Атмосфера ҳавоси муҳофазаси ва қонун ижроси

Унда “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг Тошкент вилоятидаги ижроси муҳокама этилди. Тадбирда қуйи палата депутатлари, халқ депутатлари Тошкент вилояти ва туманлар (шаҳар) Кенгашлари доимий комиссиялари аъзолари, тегишли вазирлик, идора, ташкилот ва корхона вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, табиатни асраб-авайлаш, экологик барқарорликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани, бунинг зарур ҳуқуқий-ташкилий пойдевори яратилгани алоҳида таъкидланди. Айни чоғда экологик муаммоларни ҳал этишда соҳадаги ҳуқуқий механизмлар такомиллаштирилиб, қабул қилинган қонунлар ижроси устидан парламент назорати ўрнатилмоқда.

Тадбирда “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг вилоятда бажарилиши юзасидан Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари, маҳаллий ҳокимлик мутасаддилари ахборотлари тингланди. Мазкур ахборотларда ҳудудда бу борада муайян ишлар амалга оширилаётгани қайд этилди. Хусусан, қонуности ҳужжатлари, нормативлар ишлаб чиқиш, ишлатилиши тақиқланган ва яроқсиз бўлиб қолган кимёвий моддаларни зарарсизлантириш ҳамда бошқа йўналишларда тегишли ишлар бажарилаётгани айтиб ўтилди.

Муҳокама жараёнида вилоятда мазкур Қонуннинг тегишли нормалари ижросини таъминлаш борасида қилинаётган ижобий ишлар билан бир қаторда, айрим камчиликларга йўл қўйилаётгани ҳам кўрсатиб ўтилди. Чунончи, атмосфера ҳавосидан фойдаланиш бўйича тегишли механизмларни янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Тадбирда кўрилган масала бўйича аниқ тавсиялар ишлаб чиқилиб, қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**С. МАХСУМОВ.**

# Саноатимиз ютуқлари намойиши

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Республикамизда тўқимачилик саноати учун зарур бўлган асосий хом ашё — юқори сифатли пахта толаси, шунингдек, ривожланган коммуникация тизими ва энг муҳими, тайёр маҳсулотларни сотиш учун қулай бозорлар мавжудлиги бу борада муҳим омил бўлаётир.

Бундан ташқари, “Ўзбек-



енгилсаноат” давлат акциядорлик компанияси тизимида 2012 — 2014 йилларда 13,4 миллион АҚШ доллари миқдорида калава ип, газлама ишлаб чиқаришга мўлжалланган 700 тадан ортиқ ускуналар сотиб олиниши режалаштирилаётгани, умумий қиймати 625 миллион АҚШ долларилик 23 та инвестициявий лойиҳа амалга оширилиши ҳам эътиборга молик.

Дарҳақиқат, республикамизда хорижлик сармоядорлар учун яратилган қулай инвестициявий муҳит ислоҳотлар жараёнини тезлаштириб, кўплаб тўқимачилик корхоналарининг ташкил этилишига асос бўлмоқда. Мазкур кўргазмалар эса чет эллик сармоядорлар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Зеро, бу йилги тадбирларда Австрия, Бельгия, Беларусь Республикаси, Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон, Эрон, Испания, Италия, Хитой, Қозоғистон, Россия, Польша, АҚШ, Франция, Чехия ва Япония сингари дунёнинг 24 та мамлакатидан 250 дан зиёд компаниялар ўзининг ишлаб чиқариш линиялари, хом ашёга ишлов бериш ускуналари, эҳтиёт қисмлари, бўёқ ва кимёвий воситалари, шунингдек, тайёр ва яримтайёр маҳсулотлари билан иштирок этаётгани бунинг тасдиғидир.

— Мамлакатингизда енгил саноат тармоғи йил сайин ривожланаётгани бизга яхши маълум, — дейди Япониянинг “Tajima Kulxan” компанияси вакили Минори Фуживара. — Бунда, аввало, юқори сифат кўрсаткичларига эга ўзбек толасининг алоҳида ўрни борлигини таъкидлаш жоиз. Кўргазмага келишимиздан мақсад эса Ўзбекистон енгил саноатидаги ўзгаришлар билан яқиндан танишиш ва янги ҳамкорлар топишдир. Ўйлайманки, бу мақсадимиз амалга ошади. Чунки унинг биринчи кунида юртингизда фаолият юритаётган “Нил гранит” масъулияти чекланган жамияти билан матога замонавий нақш босиш ускунасини етказиб бериш бўйича шартнома имзоладик.

Жорий йилги кўргазмаларда юртимиз ишлаб чиқарувчилари ҳам фаол қатнашмоқда. Улар орасида илк маротаба иштирок этишига қарамасдан, пахта толасидан калава ип ва газлама ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Guliston Tekstil Fayz Baraka” масъулияти чекланган жамияти, “Textiles Spektrum Kolors” ҳамда тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи “Textile Mill Tashkent” қўшма корхоналарининг янги маҳсулотлари, айниқса, иштирокчилар эътиборини тортмоқда.

Халқаро кўргазмалар жорий йилнинг 14 сентябрига қадар давом этади. Уларнинг янгиликларга бойлиги ва ишчан руҳда ўтаётгани эса иштирокчилар ўртасида кўплаб истиқболли келишувларга эришилишидан далолатдир.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТДА:** халқаро кўргазмалар фаолиятидан лавҳа.

**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.**

## Қисқа сатрларда

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

● УРГАНЧ туманидаги Ғойбу қишлоғида 200 миллион сўм бюджет маблағи эвазига янги қишлоқ врачлик пункти қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ҳудуддаги 14 минг 600 нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатадиган ушбу муассаса замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланди.

**● НАВБАҲОР туманида лойиҳа қиймати 100 миллион сўмга тенг бўлган “Истиқболли пласт Текс” корхонаси иш бошлади. 10 кишилик жамоа меҳнат қилаётган мазкур ишлаб чиқариш субъектида халқ истеъмоли моллари тайёрлаш йўлга қўйилди.**

● МИРИШКОР туманидаги “Миришкор ихтисослашган қурилиш таъмирлаш” корхонасида пишиқ ғишт ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Лойиҳа рўёби учун банкнинг 120 миллион сўмлик кредити ҳамда корхонанинг 50 миллион сўм маблағи йўналтирилди.

**● ШИРИН шаҳридаги Нуробод маҳалласида “Нуробод гузари” деб номланган янги мажмуа фойдаланишга топширилди. Ҳозир бу ерда новвойхона, сартарошхона сингари ўнга яқин маиший сервис хизмати шохобчалари ишлаб турибди.**

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

# «Ягона ойна» тизими

## тадбиркорга кенг имконият ва қулайликлар яратади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Юртбошимиз томонидан яқинда қабул қилинган “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари тизимда амалга оширилаётган ислоҳотларни янги босқичга кўтаришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Бу ҳужжатларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган шахсларга лицензия ва рухсат бериш тартибини соддалаштириш орқали ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш кўзда тутилган. Хусусан, “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонга биноан, жорий йилнинг 1 августидан бошлаб статистика, молия, солиқ ва бошқа ҳисоботлар ҳамда уларнинг даврийлигини қисқартириш, шунингдек, 80 та рухсат бериш тартиби ҳамда 15 та фаолият турини лицензиялаш бекор қилинди.

— “Ягона ойна” тизими бу борадаги ишларнинг мантиқий давомидир, — дейди Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги масъул ходими Отабек Негматов. — Ушбу тизимда тадбиркор бўлиш истагини билдирган шахслар учун бир қатор қулайликлар мавжуд. Жумладан, тадбиркорнинг рўйхатдан ўтказилиши, коммуникация тармоқларига уланиши, уларга ер ажратиш, рухсатномалар бериш ва бошқа масалалар бўйича билдирган мурожаатлари қонунларда белгиланган муддатда ҳал этилади. Шунингдек, тадбиркорлик субъектларига муҳр ва штамп тайёрлашга рухсатномалар бериш, тураржойларни нотураржойларга ўтказиш учун рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш, ер участкасига эгалик ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш каби ўнга яқин идораларга тааллуқли ишлар яхлит бир жойда ташкил этилган.

Бу ерда янги иш бошлаётган ёки мавжуд тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тартибга солиш ва уларни қонун доирасида қўллаб-қувватлаш бўйича ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилиниши устидан тегишли назорат ҳам амалга оширилмоқда. Айни чоғда Адлия вазирлиги ходимлари томонидан тадбиркорлик фаолияти эркинликларини таъминловчи амалдаги қонун ва қонуности ҳужжатларидаги имтиёз ҳамда кафолатлар бўйича тадбиркорларга ҳуқуқий тушунтиришлар берилмоқда. Эътиборлиси, тизим яқинда йўлга қўйилган бўлса-да, шу пайтгача 300 дан ортиқ тадбиркорлик субъектлари рўйхатдан ва қайта рўйхатдан ўтказилди. Бу борада вазирликнинг қисқа рақамли “Ишонч телефони” йўлга қўйилгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Анжуманда иштирокчилар тизимнинг имкониятлари билан яқиндан таништирилди ҳамда янги иш бошлаётган бир қатор тадбиркорлик субъектлари давлат рўйхатидан ўтказилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Паралимпиячиларимиз муносиб кутиб олинди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу каби эзгу ишлар натижасида нуфузли мусобақанинг мураккаб саралаш баҳсларидан муваффақиятли ўтган 10 нафар атлетимиз спортнинг дзюдо, сузиш, пауэрлифтинг, енгил атлетика каби турлари бўйича йўлланмаларга эга бўлдилар. Улар орасидан дзюдо баҳсларида қатнашган Шариф Халилов XIV Паралимпия ўйинларининг кумуш медалини қўлга киритди. Сузиш баҳсларида қатнашган ҳамюртимиз Кирилл Паньков XIV ёзги Паралимпия ўйинларида икки бор Осиё рекордини ўрнатди. Дастлаб у 100 метрга баттерфляй усулида сузиш мусобақасида қитъа рекордини янгилади. Кейин эса худди шу масофага чалқанча усулда сузиш баҳсида ҳам Кирилл Осиёнинг энг тез сузувчи спортчиси эканини исботлади.

Енгил атлетика бўйича ташкил этилган мусобақаларда эса Ҳусниддин Норбеков диск улоқтиришда 52 метру 5 сантиметр натижа қайд этиб, тўртинчи ўринни эгаллади. Дониёр Солиев ва Миран Саҳатов уч ҳатлаб сакраш баҳсларида, Иван Панифидин, Равил Диганшин, Ҳусниддин Норбеков ядро улоқтириш бўйича финал беллашувларида қатнашди. 100 метрга югуришда Муяссар Иброҳимова ярим финалга қадар етиб борди.

— Қўлга киритган муваффақиятим мамлакатимизда спортга қаратилаётган эътибор самарасидир, — дейди XIV Паралимпия ўйинлари совриндори Шариф Халилов. — Чунки бизга ана шу нуфузли мусобақада муносиб қатнашиш учун Президентимиз томонидан барча шарт-шароит яратиб берилди. Шу боис ҳам Лондонда совриндор бўлиб, мустақиллигимизнинг 21 йиллик байрамига совға ҳозирлашни мақсад қилгандим. Бунга эришганимдан бахтиёрман. Аммо шуни ҳам айтмоқчиманки, кумуш медаль Паралимпия ўйинларида мен учун энг юқори натижа эмас. Насиб этса, 2016 йилда Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказиладиган навбатдаги мусобақада, албатта, олтин медални қўлга киритиб, байроғимизни баланд кўтараман.

**Фазлиддин АБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**




**Ёлқин ШАМСИДДИНОВ (ЎзА) олган сурат.**

Молия муассасаларида

# Кичик бизнеснинг ишончли ҳамкори

***Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уни қўллаб-қувватлашга устуворлик берилмоқда. Натижада бугун мазкур соҳа вакиллари иқтисодиётимизнинг том маънодаги таянчига айланди. Бошқача айтганда, эндиликда ишбилармонлар иқтисодий барқарорлик ва аҳоли бандлигини таъминлашда ҳал қилувчи куч сифатида намоён бўлаётир. Албатта, тадбиркорликнинг бу қадар равнақ топишида молия муассасаларининг ҳам хизмати ва ҳиссаси катта.***

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ўз фаолияти давомида ушбу соҳа вакилларининг истиқболли лойиҳаларини рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунда банк-молия тизимини такомиллаштириш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар, хусусан, банк хизматлари ҳамда кредит ажратиш шартлари соддалаштирилаётгани, шунингдек, мижозлар билан ишлаш жараёнини яхшилашга қаратилган бир қатор ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилингани, айниқса, қўл келаяпти. Жумладан, Президентимизнинг 2011 йил 24 августдаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида белгилаб берилган имтиёзлар мазкур соҳа ривожида муҳим қадам бўлди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Маълумки, ҳар қандай корхона ривожи унга жалб этилаётган сармоя, аниқроғи, банклар томонидан ажратилган кредитларнинг мақсадли ишлатилишига боғлиқ. Шу маънода, Миллий банк томонидан берилаётган маблағлар амалда ўз самарасини кўрсатаётгани билан аҳамиятлидир. Яъни етакчи халқаро молия ташкилотларининг кредит йўналишларини жалб этаётган Миллий банк кичик бизнес вакилларини замонавий технологиялар билан таъминлаш ҳамда уларнинг "ноу-хау"ларини молиялашга катта эътибор қаратмоқда.

Бундан бир неча йиллар аввал Миллий банк мижозлари, асосан, йирик саноат корхоналари бўлган бўлса, эндиликда уларнинг сафи кичик ва хусусий корхоналар ҳисобига кенгаяётгани эътиборлидир. Энг муҳими, ҳозирги кунда хорижий инвестицияларни жалб этиш учун шарт-шароитлар етарли, яратилган ҳуқуқий база эса маҳаллий банкларга жаҳондаги етакчи молия муассасалари билан эркин ҳамкорлик қилиш имконини бермоқда. Чунончи, ўтган даврда Миллий банк ЕТТБ, ОТБ, КфВ, ОПЕК фонди, ИТБ, Корея "Эксимбанк"и ва ХДТБ каби кўплаб нуфузли ташкилотларнинг бир қанча кредит йўналишларини жалб қилди. Бунинг натижасида 300 дан ортиқ лойиҳалар молиялаштирилди. Булар, ўз навбатида, республикамизга импорт қилинаётган товарлар миқдорини камайтириб, экспорт ҳажмини ошириш, кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши кўпайишида муҳим омил бўлди.

Жумладан, "Ўзмиллийбанк" Хитой Давлат тараққиёт банки (ХДТБ)нинг учинчи кредит йўналиши маблағлари ҳисобидан умумий қиймати 19,1 миллион АҚШ долларилик 52 та лойиҳани молиялаштирди. Жалб этилган маблағлардан самарали фойдаланиш ҳамда қарз олувчилар учун қулайликлар яратиш мақсадида барча бўлимларига мазкур кредит йўналиши маблағлари ҳисобидан кредитлаш лимитлари белгиланган сармояларни аниқ ва тез етказишга кўмаклашди. Имзоланган Кредит битими шартларига биноан, сармоялар ишлаб чиқариш қувватлари ёки компанияларни ташкил этиш, корхоналарни модернизациялаш ва кенгайтириш, шунингдек, импорт қилинадиган хом ашё ҳамда материаллари сотиб олишга қаратилган лойиҳаларга йўналтирилади.

Банк томонидан фақат шу йилнинг 8 ойида хорижий кредит йўналишларининг маблағлари ҳисобидан умумий қиймати 35,9 миллион АҚШ долларилик 55 та лойиҳа молиялаштирилгани диққатга сазовор.

Агар ана шу кредитлар мулкчилик шакллари бўйича таҳлил қилинса, улар иқтисодиётнинг енгил, озиқ-овқат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, кимё саноати ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарига берилгани аён бўлади.

**Банк томонидан 2012 йил бошидан буён кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун ажратилган кредитларнинг умумий миқдори**

**573,9**

**миллиард сўмни ташкил қилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,4 баравар кўпдир.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида жорий йилда мамлакат иқтисодиётини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерликни янада ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратиш, уларга имтиёзлар бериш масалалари алоҳида қайд этилди. Шунингдек, маърузада ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аёлларнинг турмушини енгиллаштириш, оилалар фаровонлигини ошириш ишларини кенгайтириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган эди.

Шундан келиб чиқиб, банк жамоаси хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, уларни иш билан таъминлашга, соғлом оилани шакллантиришга кўмаклашаяпти. Чунончи, Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ПФ-3434-сонли Фармони ижросини таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги қарорига биноан, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш учун жами 70,4 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2006 йил 17 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида 2006 — 2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ҳамда 2007 йил 21 майдаги "Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида, 2012 йилнинг ўтган саккиз ойида кичик бизнес субъектларига 70,3 миллиард сўм миқдорида маблағлар тақдим қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 28 июлдаги "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ эса, 4 миллиард 352 миллион сўмлик кредитлар ажратилди. Ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш учун берилган кредитлар ҳажми ҳам анча салмоқли: 18,3 миллиард сўм. Ушбу йўналишда олиб борилаётган аниқ мақсадли ишлар ёш авлоднинг имкониятларини тўлиқ ишга солиши ва ҳаётда муносиб ўрин топишларида ёрдам бераяпти, албатта.

Барча манбалар ҳисобидан ажратилган микрокредитлар ҳажми эса 74,7 миллиард сўмни ташкил қилди.



Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари учун қулай шарт-шароит яратилишини таъминлаш мақсадида банкнинг ҳар бир таркибий бўлинмаси ҳузурида "Тадбиркорлар хоналари" ишлаб турибди. Бу ерда тадбиркорлар барча зарур маълумотларни олиши, ўзларини қизиқтирган масалалар юзасидан банк мутахассислари билан маслаҳатлашишлари мумкин.

Жорий йилнинг 3 февраль куни пойтахтимизда "Тадбиркорлик — мустаҳкам оила асоси" мавзуида бизнес-анжуман бўлиб ўтди. Унда бир қатор вазирлик ва идоралар, шунингдек, молия муассасалари қаторида Миллий банкнинг Тошкент шаҳар бошқармаси ҳамда филиаллари фаол иштирок этди. Мазкур тадбирдан кўзланган асосий мақсад иқтисодиётимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти юксалиб бораётганлигини кўрсатишдан иборат бўлиб, унда банклар билан тадбиркорлар ўртасидаги ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари хусусида сўз юритилди. Хусусан, 2012 йилда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун ажратиладиган ўртача ва узоқ муддатли кредитлар ҳажмини кўпайтириш, оилавий бизнес ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга алоҳида тўхталиб ўтилди.

**Кичик бизнес соҳасига ажратилган кредитларнинг тармоқлар бўйича тузилиши**
(миллий валютада)




Шу билан бирга, тадбир доирасида ўтказилган "2011 йилнинг энг яхши тадбиркори" танлови ғолибларига совринлар топширилди. 80 нафар тадбиркорга эса ўз бизнесини ривожлантириш учун кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди. Пировардида банкнинг Тошкент шаҳар бош бошқармаси томонидан танловнинг олти нафар ғолибига жорий йилда 1,26 миллиард сўм ҳажмида имтиёзли кредитлар ажратиладиган бўлди.

Мухтасар айтганда, Миллий банк томонидан шу йил охиригача кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 715,01 миллиард сўмдан зиёд кредитлар бериш режалаштирилгани мазкур молия муассасасининг тадбиркорлар ишончини мустаҳкамлаш борасидаги ишлари юксак даражага кўтарилганидан далолатдир.

Яъни банк бундан буён ҳам кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш ва янги хизмат турларини жорий қилиш тадбирларини давом эттиради. Бу эса, шак-шубҳасиз, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади. Зеро, уларнинг мамлакат тараққиёти ва аҳолининг фаровон ҳаёт кечириши учун қўшаётган ҳиссаси беқиёс.

**Банк матбуот хизмати.**

Реклама ўрнида

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**
**Наманган вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!***

Аукцион савдосига Наманган тумани СИБ томонидан, ФИБ Наманган туманлараро судининг 2012 йил 26 январдаги 1-529-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Заркент Текстиль» ХФга тегишли, Наманган тумани, «Ирвадон» ҚФЙ, «Шишаки» МФЙда жойлашган, қурилиш ости майдони 899,71 кв.м., фойдали майдони 1489,92 кв.м. бўлган маъмурий ва бошқа бино-иншоотлар қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 752 834 000 сўм.***

***Аукцион савдоси 2012 йил 15 октябрь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.***

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулк билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар мазкур эълон чоп этилган санадан бошлаб иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 га қадар «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Наманган вилояти филиалида қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 12 октябрь куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Наманган вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк»и Наманган бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609015, МФО: 00223, СТИР: 207122519.

**Қўшимча маълумотларни олиш учун манзил: Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уй, 4-қават. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz Телефонлар: (8-369) 226-27-01, 226-54-47.**

*Лицензия: RR-0001.*

1549R/1441

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**
**Жиззах вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!***

Аукцион савдосига Зафаробод тумани СИБ томонидан, Жиззах вилояти хўжалик судининг 2011 йил 15 июндаги 13-1105/2115-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Зафаробод тумани, «Бирлик» ҚФЙ ҳудудида жойлашган, «Қонгли» ФХга тегишли чорвачилик фермаси биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 490 000 000 сўм.***

***Аукцион савдоси 2012 йил 28 сентябрь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.***

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан Зафаробод тумани суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 26 сентябрь куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Жиззах вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк»и Жиззах вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22626000804920609001, МФО: 00122, СТИР: 207122519.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Жиззах ш., Шароф Рашидов к., 39-уй. Тел.: (8-372) 222-34-16. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

*Лицензия: RR-0001.*

1548R/1441

**«AGTECH AGRI» ШЎЪБА КОРХОНАСИ**

**Тошкент шаҳридаги омборхонадан Англияда ишлаб чиқарилган JCB компаниясининг**

**экскаваторлари**
**ҳамда**
**юкловчи экскаватор**
**техникаларини таклиф этади.**

***Шунингдек, Жон Дир компаниясининг турли хилдаги қишлоқ хўжалик техникалари етказиб берилади.***

**Техникаларнинг кафолат муддати бир йил ҳамда сервис хизмати кўрсатилади.**

Хизматлар лицензияга эга.

**Манзил: Тошкент ш., Навоий к., 3/75. Тел.: (+99871) 244-69-79, (+99871) 241-02-29. E-mail: info@agtec.eu www.agtech-agri.uz**

1546R/1082

**ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР**

**«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК**

**ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)**

**СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 900 000 сўмдан бошлаб.**

**ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.**

**Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20х20, 25х25, 30х30, 40х40, 50х50, 60х60, 80х80, 100х100.**

**Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30х20, 40х25, 50х25, 30х60, 40х60, 40х80, 50х100, 60х80, 60х100, 80х120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.**

**ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,3-0,9 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.**

**МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.**

**Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.**

03R/97

*Корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!*

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ**

**қуйидагиларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича танлов эълон қилади:**

Ҳимоя рангидаги Д-22 мм.ли юлдузча, ҳимоя рангидаги Д-13 мм.ли юлдузча, 10х45 мм.ли металл пластиналар, милиционерлар учун кокарда, аскарлар учун ҳимоя рангидаги кокарда, ҳимоя рангидаги умумқўшин эмблемалари, енг учун «Академия» шевронлари, енг учун қум тусли шевронлар.

**Манзил: 100070, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй.**

*Талабгорлардан танловда қатнашиш таклифлари эълон чоп этилган санадан бошлаб 10 иш куни давомида қабул қилинади.*

**Маълумот олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 255-75-12, 255-81-45, 231-31-47. Факс: 8 10 998 (371) 281-43-73.**

1543R/1089

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти жамоаси Тиллар ва адабиёт кафедраси катта ўқитувчиси **Абдулла АЛИМОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

"Ўзбекинвест" экспорт-импорт миллий суғурта компанияси жамоаси "Бош бино ишлатмаси" МЧЖ директори Содиқжон Юлдашевга падари бузруквори **Солижон ЮЛДАШЕВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

## ОБ-ҲАВО

(13 сентябрь)

| Ҳудуд | Тунда | Кундузи |
| --- | --- | --- |
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида | +8 +13 | +22 +27 |
| Бухоро ва Навоий вилоятларида | +10 +15 | +25 +30 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида | +10 +15 | +25 +30 |
| Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида | +11 +16 | +26 +31 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида | +12 +17 | +25 +30 |
| Тошкент шаҳрида | +13 +15 | +26 +28 |

